МАҚСАД — ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚИШ 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар

МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ 7-бет

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ГУРУҲ ПЕШҚАДАМИ 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 175 (10.228) / 2004 ЙИЛ 10 СЕНТЯБРЬ

## ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 сентябрь куни Оқсаройда Афинада ўтган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган спортчиларимизни, уларнинг устоз ва мураббийларини қабул қилди.**

— Мен Сизларни - жаҳон Олимпия ҳаракати солномасига ўз номини — ўзбек спорти вакиллари номини ёзган буюк спортчиларни қутлашдан мамнунман. Сизларнинг сиймонгизда Афинадаги Олимпиада ўйинларида қатнашган барча спортчиларимизни табриклайман, — деди Президент.

Бутун мамлакатимиз, кўп миллатли халқимиз номидан барчангизга, тренер ва мураббийларингизга - Афинада ёнингизда бўлганларга, Ўзбекистонда туриб сизларни қўллаб-қувватлаганларга чуқур миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистон байроғини, ўзбек спортини, юртимиз шаъни ва шарафини улуғлаганингиз учун барчангизга раҳмат.

Ҳар гал телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали спорт майдонларида, гиламда, рингда Ўзбекистон спортчиларини кўрганимизда мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг қалбини ҳаяжон чулғади. Ҳаммамиз ўзимизни ғалаба учун кечган оғир курашларда гўёки сизлар билан бирга иштирок этгандек ҳис этдик десам, муболаға бўлмайди.

Афинадаги Олимпиада ўйинларида ғалаба қозониш учун спортчиларимиз ўзларини аямай, бор куч-ғайратини сарфлади. Мен бунга аминман ва бу фикрни барча жамоадош дўстларингизга етказишингизни сўрайман.

Аввало Олимпиада ўйинларида қатнашиш учун, кейин эса спорт майдонларида ўз маҳорати ва ғалабага бўлган ишонч ҳамда иродасини исботлаш учун тўрт йил давомида қанча меҳнат қилишга, қанча тер тўкишга, куч-ғайрат сарфлашга, матонат кўрсатишга тўғри келганини биз яхши биламиз.

Буларнинг барчаси учун Сизларга раҳмат.

Бугун халқимиз ўз спортчиларини - Олимпиада олтин медали учун - курашчилар Артур Таймазов ва Александр Дохтуришивилини, кумуш медаль учун Магомет Иброҳимовни, бронза медали учун боксчилар Ўткирбек Ҳайдаров ва Баҳодир Султоновни олқишламоқда ва ғалаба билан қутламоқда.

Ишонаманки, яна озгина омад келганида ва ҳакамлар адолатлироқ баҳолаганида эди, сизларнинг ёнингизда бошқа спортчиларимиз ҳам туриши мумкин бўларди, Ўткирбек Ҳайдаров эса шубҳасиз олтин медални қўлга киритарди.

Сизларга - барча синовлардан муносиб ўтган ва ўзбек спорти довруғини оламга ёйган полвонларга офарин деймиз.

Жаҳоннинг икки юздан ортиқ мамлакати орасида терма жамоамиз умумий ҳисобда 34-ўринни эгаллагани, Сиднейдаги ўйинларга нисбатан етти поғона юқори кўтарилгани ҳаммамизга катта қувонч ва ифтихор бағишлайди.

Олимпиада иштирокчиларидан фақат 75 мамлакатгина медалларга сазовор бўлганини алоҳида қайд этишни истардим, деди Президент.

Агар бу фикрни давом эттирсак, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида - бешинчи, Осиё қитъасида - еттинчи, Марказий Осиёда эса биринчи ўринни эгаллади.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир фикрни айтишни ўринли деб биламан. Тарих ҳақиқати шуни тасдиқлайдики, бу ҳаётда ҳеч нарса тасодифан бўлмайди.

Бугун Олимпиада майдонларида Ўзбекистон байроғи остида мардона курашган ва баланд шоҳсупаларга кўтарилган фарзандларимиз ҳақида гапирар эканмиз, улар эришган юксак марраларнинг пойдеври ва сабаблари, қисқа қилиб айтганда, бу ғалабанинг замини қаерда, деган савол пайдо бўлиши табиий.

Бунинг замини - аввало, халқимизнинг табиатида, салоҳияти ва буюк имкониятларида, деб ўйлайман.

Бунинг пойдевори - ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган, миллатимизга мансуб бўлган куч-қудрат ва азму-шижоатда.

Бунинг замини - бутун халқимиз, жамиятимизнинг спортга, айниқса болалар спортига, соғлом ва баркамол авлод тарбиясига бераётган катта эътиборида. Мен бу ютуқни шу борадаги интилиш ва улуғвор ишларимизнинг мантиқий натижаси, халқимиз нималарга қодир эканлигининг амалий ифодаси, деб биламан.

Сизларни Афинага кузатар эканмиз, юртимизга албатта ғалаба билан қайтишингизни тилаган эдик. Сизлар миллионлаб ватандошларимизнинг умид ва ишончини оқладингиз. Сизлар ёш авлод фахрланадиган, ўрнак олса арзийдиган шахсларга айландингиз, деди пировардида Ислом Каримов.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Афина шаҳрида бўлиб ўтган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонга биноан олтин, кумуш, бронза медаллари соҳиби бўлган спортчиларимиз орден ва унвонлар билан тақдирланди. Ислом Каримов уларга давлат мукофотларини топширди.

Учрашувда курашчи Артур Таймазов, боксчи Ўткирбек Ҳайдаров, бокс бўйича мураббий Александр Размахов халқимизга, Президентимиз Ислом Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида кўрсатилаётган катта эътибор учун чуқур миннатдорлик изҳор этди. Бундай ғамхўрлик Ўзбекистонимизнинг халқаро нуфузини оширишда муҳим омиллардан бири бўлаётганини таъкидлади.

**(ЎзА)**

## ЧЕХИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус 2004 йил 12-15 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.**

**Ташриф чоғида икки мамлакат ҳамкорлигининг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама этилади, турли соҳаларда Ўзбекистон-Чехия муносабатларини чуқурлаштиришга қаратилган икки томонлама битимлар имзоланади.**



«Тошкент чинни заводи» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган чинни буюмлар ўзининг нафислиги ва гўзаллиги билан хонадонимизни безайди.

**СУРАТДА: заводнинг моҳир безакчиси Мавжуда Магдиева чинниларга жило бермоқда.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** «Экосан» халқаро жамғармаси «Экосан — маҳаллада» мақсадли дастури доирасида Акмал Икромов туманидаги «Бешқайрағоч» маҳалласида учрашув ва хайрия тадбирини ўтказди. Тадбир сўнгида маҳалладаги кам таъминланган оилаларга 325 минг сўмлик ўрин-кўрпа анжомларидан иборат мурувват ёрдами топширилди.

● **ЭРТАГА** Шайхонтоҳур туманидаги 45-мактабда бундан 50 йил аввал шу мактабни битирган собиқ синфдошларнинг устозлари билан учрашуви бўлиб ўтади.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 2-троллейбус депосида КЕЧА «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Конституцияда инсон ҳуқуқлари ва бурчлари» мавзуларида ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 30-Меҳрибонлик уйида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан атоқли ёзувчи ва шоирлар иштирокида адабий кеча ўтказилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** халқаро Мурувват маркази ташаббуси билан уюштирилган семинар-тренинг Фарғона водийсидаги корхона-ташкилотлар хизматчилари ўртасида табиий офатнинг олдини олишга мўлжалланган ўқув-машғулотларини ташкил этиш масалаларига бағишланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Кеча Тошкентда Бирлашган бизнес кенгашнинг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон савдо-саноат палаталари федерацияси ва Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси вакиллари иштирок этди.**

**● Бухоро вилояти судида шу йил март ойининг охирида Ромитан туманининг Қаҳрамон қишлоғида террорчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган жиноий гуруҳ аъзолари устидан очиқ суд жараёни бошланди.**

**● Нукусда БМТ томонидан қабул қилинган биологик хилма хиллик, иқлим ўзгариши, қурғоқчилик ва саҳролашувга қарши курашга оид конвенцияларнинг ижросига қаратилган халқаро лойиҳаларни амалга оширишга бағишланган минтақавий ўқув семинари бўлиб ўтди.**

**● Самарқанд шаҳри марказида «Хотира майдони» мажмуасининг қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда. Умумий майдони 1 гектарга яқин бўлган мазкур мажмуа 18 октябрда — Самарқанд куни арафасида очилади.**

**● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Навқирон Ўзбекистон» мавзуида санъат фестивали очилди.**

**● Гулистон шаҳрида жойлашган Сирдарё вилояти марказий кутубхонасида бўлиб ўтган «Энг ўқимишли оила» танловида вилоят шаҳар ва қишлоқларининг аҳолиси ўзаро беллашди.**

**● Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги «Sorb-Teh» акциядорлик жамияти «Бакстимс» янги дорисини МДҲ мамлакатларига экспорт қила бошлади.**

### Жаҳонда

**● Фаластин мухторияти бош вазири Аҳмад Курей мухторият бошлиғи Ёсир Арофат билан қарашлари бир-бирига тўғри келмаётганлиги сабабли ўз хоҳиши билан истеъфога чиқди.**

**● Жаҳондаги 35 та мамлакатда ўтказилган жамоат фикри сўровига кўра, кўпчилик респондентлар АҚШ Президентлигига демократик партиядан номзод Жон Керрига хайрихоҳлик билдирмоқдалар.**

**● Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳарчасида бўлиб ўтган фожиалардан сўнг кеча Шимолий Осетия Республикаси Президенти Александр Дзасохов у бошқараётган ҳукумат истеъфога чиқишини маълум қилди.**

**● Кеча Индонезия пойтахти Жакартада террорчилик ҳаракати содир этилди. Австралиянинг Индонезиядаги элчихонаси олдида амалга оширилган портлаш натижасида элчихона ходимларига зиён етмаган бўлсада, 4 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлганлиги айтилмоқда.**

**● Покистонда «Ал-Қоида» террор ташкилотининг жангариларига қарши ўтказилган ҳарбий операция чоғида 50 га яқин террорчи йўқ қилинган.**

*Мустақиллик мевалари*

# ЯРАТУВЧАНЛИК ИШҚИ

**Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш, тадбиркорлар сафини орттиришга мустақилликнинг илк йилларидоноқ муҳим аҳамият қаратилди. Зеро, уларнинг ривожи юртимиз иқтисодиёти равнақида, фаровонлигининг ошишида, қўшимча ишчи ўринлари яратилишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.**

Мустақиллик шабадаси эсгач, тадбиркорлик билан шуғулланиш, дилидаги эзгу ниятларини, изланиш ва интилишларини, билим ва маҳоратларини сарфлаб, Ўзбекистонни жаҳонга танитиш иштиёқи билан яшаган ҳамюртларимизга имкониятлар эшиги кенг очилди. Шу билан бирга уларни рағбатлантириш, ҳимоя қилиш, барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда ўз иқтидорлари намойиши бўлган рақобатбардош ва сифатли, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотлари билан нафақат маҳаллий, балки хорижий харидорларни ҳам жалб этаётган кичик корхоналаримиз, хусусий тадбиркорларимиз имкониятдан оқилона фойдаланишди.

— Инсоннинг қўли гул, — дейди пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «TALYANA» хусусий фирмаси раҳбари Ҳамза Ҳушвақов. — Дилдаги иштиёқ, мўъжиза ана шу қўллар ёрдамида ҳақиқатга айланади, кўрган кўзларни қувнатиб, одамларга завқ бағишлайди. Албатта, тан олиб айтишим лозим, менинг қалбимдаги эзгу ниятларимни ҳам Истиқлол юзага чиқарди. Мустақиллик шарофати билан ёшларимизнинг хорижда таҳсил олишларига имконият туғилди. Мен ҳам ана шундайлар қаторида Туркиянинг Истамбул университетида таҳсил олдим. Қизиқувчанлигим боисми ёки орзуларим амалга ошишини истабми, у ердаги йирик тўқимачилик фабрикаларида бўлдим. Туркияда тайёрланаётган кийим-кечаклар эътиборимни тортар экан, хаёлимдан «Нима учун шундай бежирим ва сифатли маҳсулотларни ўз юртимда тайёрлаш мумкин эмас, ахир ҳамма нарсанинг имконияти бор-ку» деган фикр ўтди. Ана шу ўй, мақсад менга тинчлик бермади. Негаки бундай маҳсулотларга нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳоннинг кўплаб давлатларида ҳам харидорлар топилади.

Ана шу истакни амалга оширишга киришган Ҳамза Ҳушвақов тадбиркорлик йўлини танлар экан, аввало ҳар бир ишни пухта ўйлади: хусусий корхона очиш учун жой масаласи, замонавий хорижий технологиялар, иш кўзини билган мутахассислар, улар ёрдамида маҳаллий ёшларни касб сирларини мукаммал эгаллашга ўргатиш... Буларнинг барчаси сермашаққат меҳнат, албатта. Ҳамза эса меҳнатдан қочмади, билим ва маҳоратини ишга солиш баробарида, ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланишга интилди. Президентимиз таъкидлаганларидек, ўзимизда ишлаб чиқарилиши лозим ва зарур бўлган маҳсулот турлари билан ички бозорда муносиб ўрин эгаллашга астойдил ҳаракат қилди. Бунинг учун аниқ режа, сифатли хом ашё зарурлигини ёдида тутди.

Ҳақиқий интилсанг, изланишлар самара беришини «TALYANA» тадбиркорлари амалда исботлашди. Негаки, корхона чеварлари томонидан айни кунларда ишлаб чиқарилаётган «KHAMZA» Collection» ёрлиқли эркаклар костюм-шимлари хорижники билан рақобатлашибгина қолмай, бирмунча арзонлиги боис ҳам харидорларни жалб этмоқда.






Ишлаб чиқариш ривожланиб, бозорни ўрганиш асосида маҳсулот турлари кўпайиб борар экан, ўз навбатида бу қўшимча ишчи ўринлари очишни ҳам тақозо этди. Ўтган уч йил мобайнида ишчи-хизматчилар сафи 2 бараварга кенгайиб, 40 нафарга етди. Лекин ишчиларнинг барчаси танлаб олинди, маҳоратлари синовдан ўтказилди. Натижада эса маҳсулот сифати харидорни хурсанд қилмоқда.

Маълумки, бугун бозорни ўрганмаган, давр билан ҳамнафас қадам ташламаган тадбиркор муваффақият қозониши қийин. Ҳамза Ҳушвақов ана шунга катта эътибор қаратмоқда. Сифатли ва рақобатбардош, бунинг устига импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Лекин излаган имкон топар экан. «TALYANA» тадбиркорлари ҳам изланишдан бир зум чарчамайди, улар ҳам ички, ҳам хориж бозорини бирдай ўрганади, харидор диди ва эҳтиёжини билади, маҳсулотнинг янги-янги моделлари эса корхонада сидқидилдан меҳнат қилаётган, туркиялик мутахассислар тажрибасини қунт билан эгаллаган модельерлар маҳоратидан дарак беради.

Корхона раҳбарининг ўз юксак мақсади бор, у ҳам бўлса, ўз соҳаси бўйича «гигант» бўлишни ният қилиб қўйган. Ана шу ниятга эса ҳаракат, янгиликка ўчлик, тинмай ўрганиш ҳамоҳанг. Жорий йилда корхона цехларини кенгайтириш, Япония давлатидан охирги маркадаги тикув машиналарини келтириб, маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида 1500 квадрат метрлик майдонда қурилиш ишлари амалга оширилди. Янги дастгоҳлар билан жиҳозланган цехларда эса ҳадемай эркаклар учун пальто ва курткалар тикиш йўлга қўйилади. Корхона аҳли ҳар доим ўз йўналишига эга бўлишга интилади. Шу боисдан ҳам улар яқин келажакда ишбилармон учун бўйинбоғ (галстук)лар тайёрлаш ниятида Япониядан янги ускуналар келтиришмоқчи.

— Юртимиз мустақилликка эришгач, ўтган давр мобайнида тадбиркорликка қаратилган эътибор бугун унинг меваларида яққол акс этмоқда, — дейди Ҳамза Ҳушвақов. — Ушбу тотли мевалар шодаси ҳали янаям кўпайиши, шубҳасиз. Негаки, тадбиркор бугун ҳар томонлама ҳимояда, у ўз ҳақ-ҳуқуқини танимоқда. 10 йил аввалги тадбиркордан ҳозирнинг ишбилармони кескин фарқ қилади. Ана шулар қаторида биз ҳам борлигимиздан фахрланамиз. Олий мақсадимиз эса жаҳон бозорига ҳам чиқиш, куч-ғайрат ва маҳоратимизни дунёга таратиш.

Бу, албатта, мустақил юртнинг мустақил ишбилармонига хос хислат, унинг дилидаги яратувчанлик ишқи, Ватанга меҳр, халқига садоқат рамзидир.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: Барно Қурбонова сифатли маҳсулот тайёрлашда ҳамкасбларига намуна бўлмоқда; тайёрланаётган маҳсулотнинг харидор дидига мос ўралишида ўраш цехи илғорлари Наргиза Исоқова ҳамда Аслиддин Элмуродовнинг ҳиссаси катта.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Уй-жой мулкдорларининг ширкати (УМШ) деган сўзлар кейинги вақтларда тез-тез қулоққа чалиниб қолмоқда. Шу тўғрида маълумот берсангиз.**

**Л.Ашраббеков, муҳандис.**

Уй-жой мулкдорларининг ширкати, бу — сизнинг ташкилотингиз, сиз ва қўшниларингиз ширкатдаги асосий шахслардир. Яхлит бинони тўкис сақлашнинг бирдан-бир йўли уни, яъни барчамизга тегишли бўлган умумий мулкни ширкат ёрдамида бошқаришдан иборатдир.

Лекин кўпчилик УМШни ҳамон ЖЭКнинг фаолиятини бажарадиган ташкилот сифатида кўради. Баъзилар эса ўзганинг эмас, ўзимизнинг шахсий мулкимиз учун яна қўшимча пул тўламаяпмизми, деган хаёлга боради. УМШга оғриниб пул тўлайди ёки бермай қўя қолади. Тўғри, айрим УМШларда 50-60 та кўп қаватли уйлар қамраб олингани, йиғилган пулни тўғри сарф қилмаслик оқибатида кишилар ўртасида ишончсизлик вужудга келган.

Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда ҳар бир кўп қаватли ёҳуд саноқли уйлар алоҳида ташаббус билан чиқиб кичик УМШлар яратмоқдаки, бу тажриба ўзининг дастлабки ижобий самарасини бермоқда. Ишни айни шу хилда ташкил этиш мулкни демократик бошқаришни таъминлаш билан бирга кишиларда эришилаётган, қўлга киритилаётган натижалардан қониқиш ҳиссини кучайтирмоқда.

Хулоса қилиб айтиш жоизки ширкат бу — биз, сиз, улар — ҳамма, барча хонадон эгалари. Ширкатлар орқали турар-жойимизнинг бир бутунлигини сақлашга интиламиз. Бу борада маблағ сарфлаяпсизми, унинг қандай мақсадлар йўлида сарфланишини сўрашга, тафтиш этишга, ширкат раҳбаридан бу ҳақда ҳисоб беришни талаб қилишга ҳақлисиз.

* * *

**Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув қандай тузилади?**

**М.Имомов тадбиркор.**

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Алимент тўлаш тўғрисида келишув тузишнинг қонунда белгиланган шаклига риоя қилмаслик, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида назарда тутилган оқибатларга олиб келади.

Нотариал тартибда тасдиқланган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ижро варақаси кучига эга бўлади.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

# САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК

**Тошкентдаги Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракат дастурига мувофиқ ташкил этилган парламент журналистикаси клубининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.**

Йиғилишда 2004 йил 26 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон парламентига сайловларда "Фидокорлар" миллий демократик партиясининг сайловолди дастурлари хусусида фикр-мулоҳазалар тингланди. Шунингдек, партиянинг сайловолди дастурлари нималардан иборат, бу дастур қандай тайёрланяпти, уни тайёрлашда жойлардаги партия бўлимларининг ҳиссаси каби саволлар атрофида фикр юритилди.

Йиғилишда иштирокчилар журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб бериб, партиялар ва номзодларнинг сайловолди ташвиқоти, рекламасини ташкил этиш масалаласини кўриб чиқишди.

# КАПИТАЛ-БАНК МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИДА

**Тошкентнинг Матбуотчилар кўчасида қурилган "Капитал-банк"нинг янги маъмурий биноси мижозларга сифатли хизмат кўрсатмоқда.**

Мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар айни пайтда банк-молия хизмати даражасини халқаро стандартлар даражасига тенглаштириш, мижозлар учун қулай шароит яратиш билан ҳам белгиланади. Бино нафақат марказда жойлашуви билан мижозга қулай, балки шинамлиги билан ҳам диққатни тортади.

Юқори технология ва энг сўнгги дастурлар билан таъминланган кучли коммуникация маркази "Капитал-банк" марказий офиси ҳамда унинг бўлинмалари ўртасида реал режимдаги алоқани таъминлаб беради. Бу мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифатини ҳар томонлама оширади. Айнан шу офисда "Капитал-банк"нинг янги стратегияси бўйича амалга ошириладиган кўпгина ғоялар синовдан ўтказилиши кўзда тутилган.

**"Туркистон-пресс"**

# ЯНГИ КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ

**Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари сони «Осиё траст» ва «Имкон» номли янги ташкилотлар ҳисобига яна кўпайди.**

Улар томонидан берилаётган кредитлар қисқа муддатда расмийлаштирилиши ва банкларга нисбатан кам ҳужжат талаб этилиши билан ажралиб туради.

Бундай молия муассасалари энди иш бошлаётган хусусий тадбиркорларга қўл келмоқда. Айни пайтда юртимизда шу турдаги уюшмалар аъзолари ўн минг нафардан ортиб, уларга ажратилган кредит маблағлари салкам икки миллиард сўмга етди.

**ЎзА**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Доно одам олдида қандай гап айтмайлик, у гапимизни ақл тарозусида ўлчаб, сўнг ўзимизга баҳо беради. Зеро, агар биз бирон одам ғийбатини қиладиган бўлсак, доно ҳамсуҳбатимиз эзгуликда бизнинг одамларга ғараз ниятда эканлигимизни тушунади. Кейинчалик бизга ҳатто эътибор бермай қўяди. Чунки биз бошқа бир одам билан суҳбатлашганимизда унинг ҳам ғийбатини қилишимизни тушунади.

**Байт:**

**Биродар, ҳар кимки**
**айласа ғийбат,**
**Лойиқдир ундайга**
**дейилса лаънат.**
**Бундайларнинг**
**жойи жаҳаннам**
**бўлур,**
**Ғийбатчига билсанг**
**бу ҳам кам бўлур.**

● Одоб хазинасини юрагига жойлаган бир йигит бор эди. У ўз бахтини тополмай, бир неча вақт сарсон ва саргардонликда юрди. У ердаги қийинчилик ва макру ҳийлаларга қанчалик сабр қилмасин, биронта фойда кўрмади. Қоронғу тунларни оғир хаёллар билан ўтказди.

Бир куни Анушервон мажлис уюштириб қолди. У ўз мулозимларидан:

— Энг юмшоқ нарса нима? — деб сўради.

Ўтирганлардан бири: «Шоҳи», деди, иккинчиси эса: «Товуқ патлари», деди. Бошқа бирови эса: «Ипакдан ҳам юмшоқ нарса бўлиши мумкинми?» деди. Шу онда ҳалиги йигит ҳам сарой четида турган эди. Мулозимларнинг жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлгач деди:

— Энг юмшоқ нарса тинчликдир.

Анушервон унга офарин айтди ва яна сўради:

— Энг яхши овқат қандай овқат?

— Шаҳвоний ҳирсни оширмайдиган ва танда ҳеч қандай иллат туғдирмайдиган овқат энг яхши овқат, — деб жавоб берди йигит.

Анушервон яна ундан:

— Гулларнинг энг хушбўйи қайси? — деб сўради.

— Энг ҳидли гул ота-онани тириклигида рози қилгандан, ўлгандан кейин эса уларнинг номини абадийлаштирадиган қобил фарзанд, — деб жавоб берди йигит.

Анушервон йигитни тақдирлади ва ўз ҳакамлари орасига олди.

**Байт:**

**Куннинг жамолини**
**кўрай деса ким,**
**Тунда сабр қилмоқ**
**ёлғиз чораси.**
**Гавҳар қидирувчи**
**меҳнатдан қўрқса,**
**Қўлига чиқмагай**
**дурнинг сараси.**

# ЖЕЙМС КОРНЕЛЛ: АМЕРИКА — ЎЗБЕКИСТОН САВДО ПАЛАТАСИ ҲАМКОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқаро миқёсда салоҳиятли давлат ва жаҳон ҳамжамиятининг ишончли ҳамкори сифатида эътибор қозонди. Мамлакатимиз билан дунёнинг ривожланган давлатлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари қарор топди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларида Ўзбекистон—АҚШ муносабатлари муҳим ўрин тутади. Америка —Ўзбекистон Савдо палатаси президенти Жеймс Корнелл "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда бу борада қуйидаги фикрларни билдирди:**

"Айтиш мумкинки, Америка билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар айни вақтда ҳар қачонгидан ҳам юқори даражададир. Барчага яхши маълум, бундан икки йил муқаддам Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги Стратегик ҳамкорлик Декларацияси имзоланган эди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳар икки томон учун нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини шу биргина омилнинг ўзидан ҳам англаш мумкин. Стратегик ҳамкорлик Ўзбекистон учун ҳам, Америка учун ҳам қатор ижобий омиллар яратмоқда.

Шу ўринда Америка—Ўзбекистон савдо палатаси фаолияти ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтсам. Америка ва Ўзбекистон ишбилармонларини бир доирага жамлаган мазкур палата 1992 йилда ташкил этилган. У мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнигина эмас, балки сиёсий ҳамда маданий мулоқотларни ривожлантиришга ҳам муҳим ҳисса қўшиб келмоқда. Айни вақтда мазкур палата юздан ортиқ Америка ва Ўзбекистон компаниялари ҳамда фирмаларини ўз ичига қамраб олади. Улар орасида "Боинг", "Ньюмонт-майнинг", "Кейс Нью Холланд"; "Донавант интерпрайзис", "Катерпиллар" каби йирик компания ва корпорациялар бор.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги вақтларда савдо палатасининг йиллик анжуманларида иштирок этаётган ўзбек ишбилармонларининг сони тобора ортиб бораяпти. Бундай тенденция икки мамлакат ишбилармонларининг ўзаро алоқалари кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Шу йил май ойида Вашингтонда бўлиб ўтган анжуманда ўзбекистонлик ва америкалик ишбилармонлар бугунги кун учун жуда долзарб бўлган масала —Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш масаласида ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш имкониятларини муҳокама этишди ҳамда муайян келишувларга эришишди. Ўйлайманки, мазкур йўналиш икки мамлакат тадбиркорларининг ўзаро мулоқотларини янада рағбатлантиради.

Кези келганда бир фикрни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари кенг. Биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қараймиз".

**"Жаҳон" АА**

## ҚАДР

Соҳиба хола ён қўшнимиз. Яккаю ёлғиз ўғли машина ҳалокати туфайли ҳаётдан кўз юмганидан кейин онаизор ёстиққа михланиб қолди. Кечқурун уч-тўртта қўшнилар уни кўриб, ҳол-аҳвол сўрагани холанинг олдига кирдик.

— Вой келинглар, келинглар қўшнилар. Яхши меҳмон ош устига келади, деб шунга айтадилар-да.

Хола ҳаммамиз билан айланиб-ўргилиб кўришди.

— Уйга киринглар. Ишлаган корхонамдан мени кутлагани келишибди.

У узоқ йиллар қайсидир бир корхонада фаррош бўлиб ишлаганини эшитгандик. Қарангки, бугун у ишлаган жамоа аҳли холанинг туғилган кунини эслаб, табриклаш учун корхона касаба уюшмаси вакилларини юборибди. Бир пиёла чой устида улар билан суҳбатлашдик.

— Бизда шунақа анъана бор, — дейди келганлардан бири. — Корхонамизда ишлаб, қарилик таътилига чиққанларни туғилган кунларда, байрамларда бирон-бир совға билан йўқлаб турамиз.

Бир оғиз ширин сўз, озгина эътибор, арзимас совға инсонга қанчалар куч-қувват, қувонч ва шодлик бағишлашини шу куни ўз кўзимиз билан кўрдик. Қадамини зўр-базўр босадиган, кексайиб мункиллаб қолган Соҳиба хола ўзи чой дамлаб, меҳмонларни дастурхонга таклиф этиб ўтирарди. У келганларга миннатдорчилик билдирар, икки гапнинг бирида «Мени сийласанглар, сизларни Худо сийласин», деган сўзни такрорларди. Шу куни қани энди бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам кексаларга шундай ғамхўрлик кўрсатилса, деган фикр ўтди ҳаёлимиздан.

Шифохонада даволаниб ётганимда Салим ака билан танишиб қолдик. У бир куни газеталарни варақлаб ўтириб, хахолаб юборди. Гап нимада эканлигини суриштирсам, у: «Журналистлар ҳам хўп қўпиртириб ёзишади-да. Қаранг бир корхона раҳбарлари ўзларида ишлаб, пенсияга чиққан кишига янги уй олишида ёрдамлашишганмиш. Кимни лақиллатаяпсан. Ишлаётганларга бунақа ҳиммат йўқ-у, пенсионерларга бундай олижаноблик қаёқда», деди кулиб.

— Мана мен ўзим жонли гувоҳ, — дейди Салим ака сўзини давом эттириб. — Бутун умр бўйи қурилишда ишладим. Йигитлик кучимнинг қаймоғини шу ишга бағишладим. Ўшанда тоза кўтаришди. Фахрий ёрлиқ дейсизми, орден, медаль дейсизми, ҳаммаси меники эди. Кейин ёшим ўтиб, меҳнат таътилига чиқдим. Мана етти йилдирки бирон марта эшик қоқиб, «Ҳолинг нима?» деган инсон топилмади.

Илғор ишчи, жамоатчи, бир неча орден ва медаль билан тақдирланган камтарин инсонни иззат-ҳурмат билан пенсияга кузатиб, хайр-хўшдан сўнг борди-келдини бутунлай унутиб юборган ўша қурилиш ташкилоти раҳбарларидан жуда ранжидик.

Бир донишманд: «Қадр-қиммат инсонни энг юксакликка кўтарадиган, бутун интилишларига олижаноблик бағишлайдиган нарсадир», деган экан. Шундай экан инсон қадрқимматини унутмаганимиз маъқул. Айниқса, кўнгли чўкиб қолган кексалар дардига бир оғиз ширин сўз-у, арзимас совғамиз ҳар қандай дори-дармондан ҳам афзал бўлишини эсдан чиқармайлик.

## «БОТИРЛАР»

Кечки пайт 91-йўналиш билан қатновчи автобусга чиқдик. Салон анча тиқилинч бўлгани учун ўрта эшик томон аранг ҳаракат қиламиз. Бироз юргач, таққа тўхтаб қолдик. У ёқ, бу ёққа ўтишнинг иложи бўлмади.

Орқамизда турган йигитчалар «Ўрда» бекатида автобусдан тушиб кетишди. Салон бироз бўшаб қолди. Шунда ёнимдаги ўриндиқда ўтирган ўрта ёшли киши менга тиржайиб қаради:

— Отахон, чўнтагингизга бир қаранг, ишқилиб пулларингиз бутми? Бояги йигитчалар роса чўнтагингизни ағдартўнтар қилишди, билмадингиз, — деб қолди.

Дарҳол чўнтагимга қўл югуртирдим. Ҳамёним йўқ эди.

— Оббо занғарлар-ей, ахир ўмариб кетишибди-да, — деди унинг ёнидаги иккинчи киши ачиниб.

— Кўриб турган экансизлар, нега индамадинглар, — дейман уларга аччиқланиб.

— Қизиқ экансиз, отахон. Уларга гапириб бўларканми. Бу тирранчаларнинг қўлида ҳамиша яроғи бўлади. Ўртага аралашган кишини шикастлантириб кетишдан тойишмайди.

— Ҳов ака, шунақа экан нега бизга шипшитмадингиз. Уларнинг бир додини бериб қўярдик, — дея гап отди орқа ўриндиқда ўтирган барзанги йигит.

— Биқинидан дарча очиб қўярдим, — билагини шимарди унинг шериги дадилланиб.

Бу сўзларни эшитиб турган жувон лабини бурди.

— Қўйинглар, сизлар ҳам бу воқеани кўриб, кўрмасликка олиб ўтирдинглар. Ҳаммасини ўзим кузатиб тургандим. «Ев қочса, ботир кўпаяр», деб шунга айтсалар керак-да.

Жувоннинг бу гапидан ранги гезарган ҳар иккала барзанги навбатдаги бекатда индамайгина автобусдан тушиб кетишди.

## ҚАРҒИШДАН ОҒИР ЖАЗО ЙЎҚ

Бирор юмуш билан кўча-кўйда юрганимда баъзан усти ёпилмай қолган қудуқларга кўзим тушиб қолади. Шундай кезларда дилим ранжиб, шунақа ҳолат билан боғлиқ баъзи бир нохуш воқеа-ҳодисалар кўз ўнгимдан ўтади.

Яқинда шаҳар канализация тармоқлари идорасида ишловчи мутасадди раҳбарлардан бири билан учрашиб қолдик. Унга дарҳол шу ҳақда сўз очдим.

— Эй отахон, — деди у куюниб. — Шаҳарда минглаб қудуқлар бўлиб, уларнинг ҳаммасининг қопқоғи бор. Лекин кейинги вақтларда ҳеч нарсани ўйламай, ҳатто йўловчилар ёки транспорт қатнови учун жуда хавфли эканлигини ҳам хаёлига келтирмай, қудуқ қопқоғини ўғирлаб кетадиганлар топилиб қолди. Шундай ҳолларда бизга хабар қилишса, албатта дарҳол унинг чорасини кўрамиз. Иложи борича ўша қудуқ устини қопқоқ билан тезроқ таъминлаш тараддудига тушамиз. Лекин баъзан бундай нохуш ҳоллар бизга етиб кела қолмайди. Ўша ерда яшовчилар ёки йўловчилар кўра била туриб «Менга нима» қабилида иш тутишади. Усти очиқ қолган қудуқ ҳақида бизни огоҳлантиришмайди. Кўпинча шунақа пайтларда назоратсиз қолган қудуқларнинг усти анча вақтгача очиқлигича қолиб кетади.

Қаранг, кимдир тузатиш, кимдир бузиш билан овора. Мутасаддилар бундай нохуш ҳолларнинг олдини олишса, баъзи бировлар эса уларга иш орттириб қопқоқларни ўғирлашдек нолойиқ ишларни қилишдан тойишмайди. Хўш, улар шундан нима фойда кўраркин? Кимларгадир ташвиш орттириб, баъзан эса ўзгаларга фожиа келтирадиган бу ўғирликдан келадиган даромад уларга буюрармикан? Одамларнинг қарғиши, баъзан эса бемаврид тўкилган кўз ёшлар ахир бир кун келиб ундайларнинг ёқасидан тутмайдими? Албатта тутади. Сабаби инсон учун кўпчиликнинг қарғишидан кўра оғирроқ жазо йўқ.

### ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

*Шахмат ҳангомалари*

## ЎХШАТИШ

Гроссмейстер Смисловнинг овози жуда ширали эди. Михаил Талнинг тренери Александр Кобленц Порторожда ўтказилган зоналараро турнирга келган эди. У бўш вақтларида рус ва итальян тилларида хониш қиларди. Бир куни ногоҳ унинг олдига бир аёл келиб:

— Жуда мазза қилдим, раҳмат! Қўшиғингиз менга бир улкан санъаткорни эслатди, — деди.

— Энрико Карузоними? — деди эриб кетган Кобленц.

— Йўқ, Василий Смисловни, — деб жавоб берди аёл.

## «ЯХШИЯМ ОТ БЎЛМАПМАН»

84 йил умр кўрган машҳур инглиз шахматчиси Блекберн ўтган асрнинг иккинчи ярмида жаҳон биринчилигига асосий даъвогарлардан бири бўлган, ажойиб комбинациялари билан донг таратган эди.

Блекберн тахтага қарамай ўйнайвериб, мия чарчоғи туфайли «вос-вос» касалига мубтало бўлиб қолди.

Назарида, ер юзи шахмат тахтасига айланиб, ўзини эса ҳар хил доналар қиёфасида сеза бошлади.

Кунларнинг бирида нотаниш бир жанобнинг қўлини маҳкам тутиб:

— Юришингиз бемаъни, тўрт юришда сизни мот қиламан! — деб бақирди. Яна бир сафар у нотаниш хонимга қараб:

— Кишт, маликам! — деб ўтакасини ёрди.

«Яхшиямки, — деб ёзади ана шу мия чалғишлари ҳақидаги мақоласида Блекберн, — бирор марта ҳам ўзимни от қиёфасида тасаввур этмабман!»

*Қаҳқаҳа*

Пушкин ўлимидан сал олдинроқ Александр театрида ёш йигитлар билан ёнма-ён ўтирар, улар ўша даврда машҳур бўлган артист Асенкова ижросига тинимсиз қарсак чалишар эди.

Пушкинни танимаган ва унинг ижрога бефарқлигини кўрган ёшлар олдинига ўзаро шивир-шивир ғийбат қилиб ўтиришди ва ахийри қўшнисини дангал аҳмоқ деб аташди.

Пушкин уларга ўгирилиб, шундай деди:

— Сиз жаноблар мени аҳмоқ дедингиз. Мен Пушкинман ва шу тобда ҳар бирингизнинг юзингизга шапалоқ тортишим мумкин эди-ю, аммо буни истамайман: Асенкова менга чапак чаляпти деб ўйлаши мумкин.

* * *

Кунларнинг бирида таниқли адиб Жером К. истироҳат боғидаги кўлда бир хоним билан қайиқда сайр қиларди. Ёзувчининг уқувсизлик билан эшкак эшаётганини пайқаб қолган ҳамроҳи унга деди:

— Худо кўрсатмасин, мабодо қайиқ ағдарилиб кетса, чўкиб кетишим турган гап. Ахир мен сузишни билмайман!

— Кўп ташвиш чекманг, хоним, — дея жавоб қилди Жером, — агар қайиқ тўнтарилиб кетадиган бўлса, мен сизни ёлғизлатиб қўймайман. Чунки мен ҳам сузишни билмайман!ман.

Мирзо Улуғбек туман ҳокимияти томонидан 2002 йилда Ҳайдарова Назира номига берилган №385ЖШ 006 881 рақамли савдо рухсатномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

# БОЛАЛАРГА - САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА

**«Саломатлик ва бахт пиллапоялари» - келгуси йили Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида соғлом турмуш тарзига бағишлаб чоп этиладиган тўпламни шундай деб аташга қарор қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон Болалар жамғармасида бўлиб ўтган учрашувда` маълум қилинди. Унда республика жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчилар, фоторассомлар, журналистлар иштирок этди.**

Учрашувни Болалар жамғармаси бошқаруви раиси И.Юсупова бошқарди.

Мазкур китоб болаларга мўлжалланган. У қизиқарли бўлиши учун Ўзбекистон Болалар жамғармаси ва ЮНИСЕФ (БМТ Болалар жамғармаси) энг яхши шеърий, насрий асарлар ва фотосурат танловини эълон қилди. ЮНИСЕФнинг «Ҳаёт муҳофазаси бўйича далиллар» тўплами муаллифлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу тўплам дунёнинг қарийб 200 мамлакатида 213 тилда нашр этилган.

Унда болалар учун ҳаётда, таълим ва соғлиқни сақлаш борасида яхшироқ имконият ва шароитлар яратишга қаратилган ахборотлар тўпланган. Бу тўпламда болалар улғайиш даврида дуч келиши мумкин бўлган хавфлар ҳақида маълумотлар ва уларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар берилган.

Ҳам катталар, ҳам болалар қатнашиши мумкин бўлган танлов «Соғлом оила, соғлом турмуш, соғлом авлод» шиори остида ўтказилмоқда. Биринчи саралаш босқичи жорий йилнинг 20 ноябригача давом этади. Хорижлик экспертлар ҳам киритилган ҳайъат якуний босқич натижаларига кўра энг қизиқарли асарларни танлаб олади. Бу асарлар «Саломатлик ва бахт пиллапоялари» тўпламига киради ва уларнинг муаллифларига совринлар бериладди. Тўплам Ўзбекистонда хайрия асосида тарқатилади.

**ЎзА**

*Футбол*

# МУХЛИСЛАРНИ ҚУВОНТИРГАН ҒАЛАБА

**Ўтган куни Қатарнинг Доха шаҳрида Фаластин ва Ўзбекистон терма жамоалари Жаҳон чемпионатига саралаш учрашувида ўзаро беллашишди.**

Шуни таъкидлаш жоизки, гуруҳ баҳсларида иккита ғалаба қозониб, битта дуранг натижани қайд этган Равшан Ҳайдаров шогирдларига ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Сабаби Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларини 13 октябрда Ироқ термаси билан Дохада кечадиган жиддий баҳс кутиб турибди. Шу боисданми, терма жамоамиз фаластинликларга қарши ўтадиган баҳсга жиддий ҳозирлик кўрди. Қатарга ҳам терма жамоамиз энг маҳоратли ҳисобланган чарм тўп усталари билан ташриф буюрди. Дарвоқе, Тошкентда Фаластин терма жамоаси билан кечган дастлабки учрашувда 3:0 ҳисобида ўзбекистонликлар ғалаба қозонганини эътиборга олганда сафардаги беллашув анча муросасиз ўтиши тахмин қилинганди. Бироқ, ўзбекистонликларнинг маҳорат бобида мезбонлардан анча устун эканликлари яққол сезилиб қолди. Майдонда тўп билан эркин ҳаракат қилиш, рақиб дарвозасига тезкор ҳужум уюштириш борасида ҳамюртларимиз фаластинликларга ҳеч қандай имконият қолдиришмади. 9-дақиқада футболимиз юлдузи Миржалол Қосимов томонидан рақиб дарвозасининг ишғол этилиши очиғи, футболчиларимиз руҳини янада кўтариб юборди. Дарвоза томон кетма-кет уюштирилаётган хавфли ҳужумлар, чиройли комбинациялар натижасида 40-дақиқада Сервер Жепаров ҳисобни 2:0 га етказган бўлса, иккинчи бўлимда ҳам тўлиқ устунликни қўлга олган терма жамоамиз футболчилари яна бир маротаба мезбонлар дарвозасини аниқ нишонга ола билишди. Терма жамоамизга йирик ҳисобдаги ғалабани инъом этган учинчи тўпни дарвозага ёш футболчи Марат Бикмаев йўллади.

Шундай қилиб муҳим очколарни қўлга киритган футболчиларимиз гуруҳ пешқадами сифатидаги мавқеларини янада мустаҳкамлаб олишди.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**

*Ажойиботлар оламида*

## БЕЗОРИ КИМ?

Австралия шаҳарларидан бирида ғалати безори пайдо бўлди. Автомобиллар баллонининг дамини чиқариб кетувчи бу «ҳазилкаш» ҳайдовчиларни чинакам ташвишга қўйди. Жаҳли чиққан ҳайдовчилар безорини қўлга туширишга аҳд қилишди. Бироқ уни жиноят устида кўриб ҳангу манг бўлиб қолишди. Безори тумшуғи билан вентилни бурашни ўрганиб олган тўтиқуш экан.

## АКУЛА КУШАНДАСИ

Нима учун қушлар ва ҳатто калтакесак ҳам ялтироқ қуртни емайди? Аниқланишича, у бемазалиги устига заҳарли ҳам экан. АҚШнинг Бофорт шаҳридаги денгиз биохимияси марказининг биохимиги ва директори Жозеф Бонавентур бу қуртни тажрибада синаб кўргач, одам ўзини акуладан ҳимоя қилиш учун бу ҳашаротдан фойдаланиши мумкинлигини айтди.

Олим аквариумдаги сувга ялтироқ қурт ширасидан аралаштирганида Атлантика қиррабурун акуласи бир неча дақиқадан сўнг безовталаниб, аквариум деворига ўзини уриб юқорига чиқишга ҳаракат қилган ва бир оздан сўнг ҳолдан тойиб нобуд бўлган.

**Дилдора НУРИМОВА**

*Шифобахш ўсимликлар*

## БЕҲИ

Беҳи шарбати меъдани кучайтиради ва балғам қусишни тўхтатади.

Сиқиб олинган суви астмада фойдалидир, у қон туфлашни ҳам тўхтатади.

Қусиш ва хуморга қарши фойда қилади, чанқовни босади, чиқиндиларни қабул қиладиган меъдани кучайтиради. Уруғи эса томоқ қирилишида фойда қилади ва ўпка найини юмшатади.

Беҳи терни тўхтатади. Унинг ёғи совуқдан ёрилганда фойда қилади.

Ёғи буйрак ва қовуққа ҳам фойда қилади.

Кўрга кўмиб пиширилганини кўздаги иссиқ шишларга қўйилади.

Агар беҳини овқатдан кейин ейилса, ични суради, кўпроқ ейилса овқатни ҳазм бўлишидан олдинроқ чиқариб юборади.

## ЁНҒОҚ

Япроғи ва қобиғи буриштирувчи бўлиб, қон оқишга қарши фойдаси бор.

Ёғи ел-ярага, сарамасга ва кўз атрофидаги оқма яраларга фойда қилади.

Ёнғоқнинг мураббоси мижози совуқ меъдага фойдалидир. Ёнғоқ, айниқса қовурилгани киндик устига сепилса, ичак оғриқларини босади ва ични тўхтатади. Ёнғоқ мураббоси совуқ мижозли буйракка жуда фойдалидир. Буни истеъмол қилиш майда гижжаларни ва қовоқ уруғсимон гижжани ҳайдайди.

## ДЎЛАНА

Сафрони сўндиради. Бошқа меваларга қараганда суюқликларнинг оқишини кучлироқ тўхтатади.

Ични тўхтатади ва сийдик тутилишини туғдирмайди.



**Ойдин оқшомларда ором ол шаҳрим!**

*Тадбирлар*

# ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ ЎТКАЗИЛДИ

**Ҳозирги давр талабига айланиб бораётган долзарб масалалардан бири — аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва мамлакатимизни фавқулодда вазиятлардан ҳамда ёмон ниятда юрган қабиҳ кимсалардан асраб-авайлашга қаратилмоқда.**

Она тупроғимизда яшаб, нону тузимизни еб нонкўрлик қилаётган кимсаларнинг қора ниятлари амалга ошмаслигини ҳар бир Ўзбекистон халқи билади, бунга ишонади ва бунга қарши курашади. Террорчилик ҳаракатларининг олдини олишга ва фавқулодда вазиятларга йўл қўймаслик борасида аҳоли ўртасида ҳамда ташкилот ва муассасаларда махсус тактик-ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Аҳоли ҳамда ташкилот ва муассаса ходимлари бу машғулотдан ўзларига етарлича тушунча олишмоқда. Ушбу машғулотлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан кенг тарзда олиб борилмоқда. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида ўтказилаётган махсус-тактик ўқув машғулотларидан бири яқинда Ҳамза туманидаги «Газ тўлдириш» иншоотида ўтказилди. Машғулотни ўтказишда Тошкент шаҳар ва Ҳамза туман ҳокимликлари, «Газ тўлдириш» иншооти ходимлари, Фуқаро муҳофазаси хизматлари, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва «Газ тўлдириш» иншоотига яқин бўлган корхона ҳамда «Бинокор», «Ўрта масжид», Зебо Шамсуддинова маҳаллалари аҳолиси қатнашдилар. Ушбу машғулотда «Газ тўлдириш» иншоотида ёнғин-портлаш ҳодисалари содир бўлганда, ўзини ҳимоя қилиш ва хавфсиз бўлган жойга чиқиш ҳаракатлари кўрсатилди. Айниқса фавқулодда вазиятлар бошқармасининг «Қутқарув хизмати» қутқарувчилари махсус-тактик ўқув машғулотида ўзларининг чаққон, тезкор чиқишлари билан ташкилот ва муассаса ходимлари ҳамда аҳоли эътиборини тортдилар.

Машғулот давомида аҳолини қизиқтирган саволларга Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан подполковник Р.Иноғомов ҳамда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи полковник Э.Икромовлар жавоб бердилар. Машғулот якунида Фавқулодда вазиятлар бошқармаси «Қутқарув хизмати» қутқарувчиларига аҳоли томонидан катта ишонч билдирилди. «Қутқарув хизмати» ходимлари ҳар қандай Фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга ва уларни бартараф этишга доимо тайёр эканликларини билдиришди.

**Камолиддин МУРОДОВ,**
**Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

**Кўчада топилган танишларнинг ҳаммаси ҳам дўст бўлиши қийин. Лекин Тошкент педагогика коллежи талабаси, Чилонзор тумани, 5-мавзеда жойлашган 46-уйда истиқомат қилувчи З.Бахриддинова яқиндагина тасодифан танишиб қолган Талъат исмли йигитга ишонар эди.**

Шу туфайли ҳам у билан суҳбат қуриб туришар ва ҳатто ўз уйига таклиф қилиб, меҳмон қилар эди. Юнусобод тумани, 4-мавзеда яшовчи бу йигитнинг асл мақсади нима эканлигини пайқамаган содда қиз бугун пушаймонда. Ҳамма гап шундаки, меҳмондорчиликка келган «уддабурон» йигит уй бекасини пичоқ билан қўрқитиб, умумий нархи 550.000 сўмлик турли хил тилла тақинчоқларини тортиб олиб, қочиб кетган. Мазкур ҳолат бўйича туман ИИБ га хабар етказилгач, ички ишлар ходимларининг кўрган чора-тадбирлари натижасида босқинчи қўлга олинди.

● **Сергели тумани ИИБ навбатчилик қисмига ўғирлик жиноятини содир этган бир шахс ушлаб келтирилди.**

Маълум бўлишича, ушбу туманнинг 5-даҳасида яшовчи, муқаддам ҳам судланган бўлса-да, аммо ҳанузгача бирор жойда ишламайдиган Арслан деган бу йигит Йўлдош-3 да жойлашган 8-уйнинг 2-хонадонига эшикни бузиш йўли билан кириб, хонадон соҳиби фуқаро М.Абрамовага тегишли, нархи 200.000 сўмлик телефон аппарати ва биллур идишларни ўмариб кетган. Ҳозирда мазкур жиноий иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● **Юнусобод туманида содир этилган бу жиноятнинг эса тафсилоти бошқаларидан бирмунча ўзгачароқ.**

Аниқланишича, Гусар кўчаси, 64-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Ж.Хўжаберганов ўзига тегишли «ВАЗ-2106» русумли автоуловини «Юнусобод» деҳқон бозори олдидаги автоуловлар турар жойида қолдиради. Ўйлаган қалтис ниятини амалга ошириш учун қулай деб билган Тожикистон Республикаси фуқароси, ҳеч қаерда ишламайдиган Амриддин деган шахс бу ҳолатдан унумли фойдаланишга уринди. У чўнтагидаги бир тахлам калитлар ёрдамида машина эшигини очишга эришиб, ҳайдаб олиб қочади. Аммо мазкур жиноят тўғрисида милицияга хабар берилгач, зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўғри ушланди ва ўғирланган автоулов техник соз ҳолатда ўз эгасига топширилди.



*«Осиё чемпионати — 2004»*

# ДМИТРИЙ МАЗУР НИМЧОРАК ФИНАЛДА

**Кеча «Тошкент» теннис марказида бўлиб ўтган теннис бўйича XXXII Осиё чемпионатининг 1/16 финал учрашувларида аксарият ўзбекистонлик теннисчиларга омад кулиб боқмади. Хусусан, 1-кортда тайпейлик Ти Ченни Дмитрий Мазур қийинчиликсиз 6/3 ва 6/2 ҳисобида мағлуб қилган бўлса, қолган теннисчиларимиз яккалик баҳсларда мағлубият аламини тотдилар.**



Жумладан, Мурод Иноятов (Ўзбекистон) Йеу Тзуо Вангга (Тайпей) 1/6 ва 3/6 ҳисобида, Акмал Шарипов (Ўзбекистон) Янг Жун Кимга (Корея), Вадим Куценко ҳамда Денис Истоминлар ҳам ўз рақибларига иккала геймда ҳам 4/6 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Теннисчи қизларимиздан Иванна Исроилова, Камила Мирзаалимовалар ҳам мусобақаларни муваффақиятсиз якунлашди.

Айтиш жоизки, ўтган йилги Осиё чемпиони Вадим Куценконинг мусобақаларни эрта тарк этиши барча теннис ишқибозларини ажаблантирди. Сабаби, Вадим ўйинни ўзидан нисбатан анча кучсиз бўлган теннисчига бой берди.

Турнирда ўз ўрнини сақлаб қолган Дмитрий Мазур эса ўйиндан сўнг ўз таассуротлари билан қуйидагича ўртоқлашди: «Бугун яхши ўйин кўрсата олганимдан жуда ҳам мамнунман. Бу рақибим билан икки марта тўқнашганман, аммо уни мағлуб этиш осон кечмаган эди ўшанда. Эндиликда бундан ҳам яхшироқ ўйнай оламан деган фикрга келдим». Дмитрийдан ҳеч ким бундай ўйин кутмаган эди, чунки у саралаш беллашувларидан сўнг турнирда қатнашиш имкониятини қўлга киритди. Ти Чен эса турнирнинг энг яхши ўйинчилари орасида олтинчи ўринда турган эди. Дмитрий ўтган йилги чемпионатда чорак финалга қадар етиб бориб, ҳозирда мусобақаларда зафар қозониб келаётган қозоғистонлик теннисчи Алексей Кедрюкка мағлуб бўлган эди.

Бугун Дмитрий Мазур турнирда иккинчи рақамда сараланган хитойлик кучли теннисчи Пенг Сун билан куч синашади.

Ўйлаймизки, кечаги ўйинларда қайд этилган натижалардан ҳам теннисчиларимиз, уларнинг мураббийлари ва Ўзбекистон теннис федерацияси вакиллари ўзларига тўғри хулоса чиқариб, бўлғуси мусобақаларда Мустақил Ўзбекистонимизнинг нуфузини янада ошириш мақсадида теннисчиларни тажрибали мураббийлар билан таъминлашда, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб беришда керакли чора тадбирларни кўришади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хайрли анъанага кўра чемпионат доирасида уч кун давомида мини-теннис бўйича мусобақалар ўтказилади. Унда катта теннисга эндигина қадам ташлаётган болажонлар иштирок этишади.

— Нуфузли мусобақалар доирасида болалар учун бундай байрамларни биз соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва ёш авлодни соғ-саломат ва чаққон ҳолда вояга етказиш мақсадида ташкил этамиз, — дейди мазкур лойиҳа раҳбари Тимур Отақўзиев. — Ушбу лойиҳа Ўзбекистон теннис федерацияси ҳамда Халқаро теннис федерациясининг ўзаро ҳамкорлигида ишлаб чиқилган бўлиб, кейинги бир неча йил давомида ҳаётга татбиқ этилмоқда. Биз ота-оналарни мини-турнир баҳсларини томоша қилишга чақирамиз. Шу йўл билан балки уларда ўз жажжиларини теннис клубларимизга бериш истаги туғилар.

**Баҳодир АЗИЗОВ**

*Бўш вақтингизда*

# «АДИБЛАР» КРОССВОРДИ



**Ёйлар бўйича:** 1. Ўзбек ёзувчиси, академик. 2. «Парвона» драмаси муаллифи. 3. Нобель мукофоти соҳиби, рус адиби. 4. «Сўнгги Могикан» асари муаллифи. 5. «Нодир воқеалар» асарини ёзиб қолдирган XIX аср марказий осиёлик мутафаккир. 6. Форс-тожик ҳамсанавис шоири, файласуф. 7. XIX аср немис шоири. 8. «Комде ва Мудан» романтик достони муаллифи, шарқ халқларининг мутафаккир шоири. 9. Венгер адиби. 10. «Тўртинчи умуртқа» романи муаллифи, фин ёзувчиси. 11. Ҳиндистон давлатининг улуғ ёзувчиси. 12. «Америка» романини ёзиб қолдирган Австрия адиби. 13. Рус ёзувчиси. 14. «Олчазор» пьесаси муаллифи, мумтоз ёзувчи. 15. Латвия халқ ёзувчиси. 16. Қадимги Рим адиби, нотиқ. 17. XVIII асрда яшаб ижод этган озарбойжон шоири ва давлат арбоби. 18. Деҳқонлар ҳаракатига оид трилогия ёзиб қолдирган венгер ёзувчиси. 19. Рус ёзувчиси. 20. Никарагуа шоири. 21. «Рустам ва Сухроб» достони муаллифи, ўзбек шоири ва хаттоти. 22. Болгар ижодкори. 23. Чех халқ қаҳрамони, ёзувчи. 24. Абхазия халқ шоири. 25. Ўзбек ҳикоянавис адибаси. 26. Ўзбек ва тожик халқлари ёзувчиси, «Қуллар» романи муаллифи. 27. Ишқий ғазаллар ёзиб қолдирган форс мумтоз шоири. 28. Рус драматурги. 29. «Шоввоз аскар Швейкнинг жаҳон урушидаги саргузаштлари» ҳажвий реалистик романи муаллифи, чех ёзувчиси. 30. Ўзбек маърифатпарвар шоири. 31. Мумтоз шоир, олим, темурийзода ҳукмдор ватандошимиз. 32. «Илиада ва Одиссея» қаҳрамонлик эпосини ёзиб қолдирган юнон шоири.

## МУАММОНОМА

**Шаклнинг ўрта қисмидаги рақамларда ҳикматли сўз яширинган. Уни қуйидаги очқич сўзлар асосида билиб олинг.**

1. Ғафур Ғулом қиссаси — 7, 14, 10, 12, 3.
2. Муҳаммад Юсуф шеъри — 13, 2, 4, 12, 6.
3. «Алишер Навоий» драмаси қаҳрамони — 10, 11, 6,1.
4. Бирор асарга жавоб тариқасида ёзилган асар — 5, 2, 8, 1, 3, 2.
5. Мақолдан: 9, 1, 6, 6, 2. Суви — тилла суви.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

## Газетанинг шу йил 3 сентябрь сонида берилган

**«Энг...» чайнвордининг жавоблари:**

1. Заркоса. 2. Афина. 3. «Авесто». 4. Олимпиада. 5. Амплитуда. 6. Арктика. 7. Амазонка. 8. Анаконда. 9. Аҳмедова. 10. Алла. 11. Атакама. 12. Антарктида. 13. Алиф. 14. Футбол. 15. Лоран. 16. Нил. 17. Лайка. 18. Алифбе. 19. Елкан. 20. Нокаут. 21. Тошкент. 22. Тинчлик. 23. Кўз.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар:** 1. Эҳтиром. 2. Бодом. 3. Канарейка. 4. Гилам. 5. Тўти.

**Ҳикмат: Энг баланд иморат ҳам ердан кўтарилгай.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1009.

1 2 3 4 5 6